

## **Мактаб кутубхонасининг асосий вазифалари ва фаолияти йуналишлари**

### ***РЕЖА:***

1. Мактаб кутубхонаси – халк таълими тизими кутубхоналарининг асосий халкаси.
2. Мактаб кутубхонасининг асосий вазифалари.
3. Мактаб кутубхонаси ишининг асосий йуналишлари.
4. Мактаб кутубхонаси фаолиятига куйиладиган замонавий талаблар.

Утган йиллар мобайнида мактаблар ва мактаб кутубхоналари тармоклари хар томонлама ривожланди, уларнинг китоб фондлари бир неча ун баробар купайди. Бугунги кунда Узбекистонда 8 мингга якин мактаб кутубхонаси мавжуд. Улар 2 млн. дан ортик укувчига хизмат курсатади. Киёс килинг: агар 30-йилларнинг бошида жумхуриятда бор-йўги 334 мактаб кутубхонаси булган булса, эндиликда улар 28 баравар купайди!

Укувчиларнинг билим олиш ва тарбияланиш жараёнига хар тарафлама ёрдам курсатиш мактаб кутубхонасининг асосий вазифаларидандир. «Мактаб кутубхонаси хакида Низом»да курсатилганидек, шахсни хар томонлама камол топтириш борасида мактаб олдида турган вазифаларни бажарар экан, мактаб кутубхонаси укувчиларнинг укув предметларини муваффакиятли урганишлари, таълимий ва сиёсий билим асосларини пухта узлаштиришлари максатида уларга мутолаани ташкил этишда ёрдам беради; болаларнинг ахлокий, жисмоний ва бадиий жихатдан камолотга эришувига, уларнинг меҳнатга, ижтимоий фойдали фаолиятга нисбатан муҳаббат кузи билан карашига имкон тугдиради, китоб билан мустакил равишда ишлашга, маърифий китобларни купрок укишга даъват этади, хар бир укувчини мустакил равишда ва мунтазам мутолаа килишга жалб этади.

Бундан ташкари, билимлар хазинаси хисобланмиш мактаб кутубхонаси мактабда укув-тарбиявий ишларни ташкил этишда укувчиларга, китоблар билан ишлашда «Камолот» харакатига якиндан ёрдам беради.

Мактаб кутубхонаси вазифаларидан бири укувчиларни кутубхона-библиография саводи асослари, мутолаа маданияти билан таништириш, уларга ахборот манбалари хамда китоблар билан ишлаш малакаларини сингдиришдан иборат.

Юкорида курсатилган асосий вазифалар укув-тарбиявий жараёнда ва мамлакат ягона кутубхона системасида мактаб кутубхонасининг урни ва ахамиятини белгилайди. Мактаб кутубхонаси ва давлат болалар кутубхонаси ишида жуда куп умумийлик мавжуд. Хар иккала кутубхона хам ягона ижтимоий ва педагогик вазифани адо этади: улар укувчиларнинг умумий урта маълумот олиши ва тарбиясига хамкорлик курсатади. Мазкур кутубхоналарнинг китобхонлар оммасини асосан мактаб укувчилари ташкил этади. Укувчиларнинг ёши, психологик ва ижтимоий ахволи китобхонлар билан ишлашнинг шакли ва усулларини белгилайди. Бу шакл ва усуллар тушунарлилик, курсатмалилик, кизикарли ва хиссий тулаконлилик сингари китобхонларга таъсир курсатувчи барча куринишлардан иборат ягона педагогик конун-қоидаларга асосланади.

Мактаб кутубхонасининг узига хос хусусиятлари нималардан иборат? Улар кутубхоналарнинг хам укув-тарбиявий ишлардаги, хам мамлакат кутубхона системасидаги вазифалар билан белгиланади.

Мактаб кутубхонаси узи мустакил муассаса булмай, мактабнинг таркибий кисми хисобланади, шунинг учун хам унинг фаолияти бутунлай укув юрти-мактабга боғлиқдир. Мактабнинг укув-тарбиявий фаолияти кутубхона фондининг таркиби, китобхонлар билан ишлаш мазмуни, мактаб кутубхонаси фаолияти хажмини белгилайди.

Китоб билан ишлаш, адабиётларни тавсия этиш, укувчиларнинг мутолаасига раҳбарлик килиш факат кутубхонада эмас, балки дарсларда, тугаракларда, факультатив машгулотларда, адабий кеча ва хоказоларда олиб борилади. Бу ишга укувчилар, тарбиячилар, «Камолот» харакати фаоллари жалб этилади. Мактаб кутубхонаси ва мактаб

ишининг ягоналиги бир то- мондан укишда ва синфдан ташкари ишда, китобдан унумли фойдаланиш, иккинчи томондан кутубхона ишини уқитувчилар тажрибаси, уқув- тарбиявий иш методикаси билан бойитишга имкон берувчи энг асосий хусусият ва энг мухим кадрийат булиб хисобланади.

Мактаб кутубхонасининг яна бир хусусияти шундан иборатки, у китобхонларга ялпи таъсир утказди. Бу хол унинг уқув ва мактаб хаёти манфаатлари юзасидан уюшган уқувчилар жамоатчилиги билан доимий ишлашида намоён булади. Бутун уқув йили давомида кутубхоначи факат биргина жамоа билан иш олиб борадики, бу уқувчиларни ялписига эмас (мактаб жамоатчилиги ёрдамида), якка-якка холда обдон урганиш имкониятини беради.

Мактаб кутубхонаси 9–10 - синф уқувчилари хамда турли предметлардан дарс берувчи уқитувчиларнинг эҳтиёжларини кондириши керак. Бунда мактаб кутубхонаси зиммасига яна ахборот-методик вазифа хам тушадики, бу билан у уқитувчиларнинг илмий методик адабиётларни танлашларида катта ёрдам бериб, уларни янги чиккан китоблардан хабардор этиб туради.

Тажрибали уқитувчилар жамоатчилиги билан узвий богликлиги туфайли мактаб кутубхонаси катта имкониятларга эга, шу боис у купгина масалаларни бемалол хал этишга кодир.

Бунинг учун мактаб кутубхонаси ишининг мазмуни ва йуналишини белгилашда уқувчиларнинг укиши ва ишига хар тарафлама ёрдам беришдек асосий вазифадан келиб чикмок максадга мувофикдир.

Шу максадда мактаб кутубхонаси узининг китоб фондини республика Халк таълими вазирлиги тавсия этган зарурий уқув адабиётлари, даврий нашрлар, бадий ва илмий- оммабоп китоблар, маълумотномалар ва библиографик кулланмалар, методик адабиёт билан тулдиради, дарсликлар фондини ташкил этади.

Мактаб кутубхонаси китоб фондини очиб берувчи каталоглар ва картотекалар системасини яратади, адабиётни таргиб этишга, маълумот бериш, библиографик ва ахборот ишлари олиб боришга, болаларнинг ку- тубхоначилик ва библиография борасида саводли булишларига ёрдам беради.

Китобхоналарга хизмат курсатишда кулайлик тугдириш учун мактаб кутубхонаси абонемент ва кироатхонага эга булади. Абонемент на кироатхонада куйидаги вазифалар хал этилади: китобхонларнинг китобга булган эҳтиёжини кондириш, адабиётни таргиб этиш, турли тadbирлар ташкил килиш, уқувчиларнинг мутолаасига рахбарлик килиш, уқитувчи ва уқувчиларнинг мутолаасига ёрдам сифатида ахборот ишларини бошкариш ва хоказо.

Мактаб кутубхонаси фаолияти мактаб жамоат ташкилотлари, уқувчиларнинг ота- оналари билан чамбарчас богликдир. У болалар кутубхонаси билан мустахкам алоқада булади, уз ишини кишлок, туман, шахарнинг мактабдан ташкари муассасалари билан мувофиклаштириб боради.

Мактаб кутубхонасининг ишида кенг жамоатчиликнинг иштирок этишига, уқувчилар орасида китобхонлик маданиятини хар тарафлама ривожлантиришга ва муваффакият козонишга имкон тугдириш лозим.

Тугаракларга бирлашган китобхонларнинг кенг жамоатчилиги хам мактаб кутубхонаси учун характерли хусусиятлардан биридир. Турли тугаракларга уюшган китобхон фаоллар китобларни таргиб этишда кутубхоначининг хакикий ёрдамчилари хисобланади. Бу тугаракларнинг максоди болаларда ташаббускорлик туйгусини тарбиялашга, мустакил булишга, жамоат ишларида фаол катнашишга ва фаол китобхонлар ёрдамида барча уқувчиларни кутубхона китобларини мутолаа килишга жалб этишга ва уқувчилар уртасида адабиётни таргиб этишга имкон тугдиришдан иборатдир.

Кутубхоналардан унумли фойдаланиш, ахолининг турли катламларига фойдалирок хизмат курсатишни таъминлай оладиган ягона кутубхона системаси барпо этиш миллий кутубхона системасининг энг асосий йуналишларидан бири хисобланади.

***Мактаб кутубхонаси куйидаги вазифаларни бажаради:***

– таълимий вазифа (укув органлари концепциялар ва мактаб дастурларида белгилаб куйилган таълимий максадларни куллаб-қувватлайди ва укув-методик жихатдан таъминлайди);

– ахборот бериш вазифаси (кутубхона ахборотдан, унинг қай турда бўлишидан қатъий назар фойдаланиш имконини беради);

– маданий вазифа (укувчиларнинг хис-туйғулари ривожига ёрдам курсатадиган маданий ва ижтимоий оғни тарбияловчи тадбирларни ташкил этади).

Хозирги даврда таълим соҳасига кириб келаётган ахборотлаштириш уз навбатида умумий урта таълим муассасаси кутубхонасининг таълим-тарбиядаги урни ва ахборот тарқатиш вазифасини ошириб, укув жараёни барча қатнашчиларини ахборот билан тулик, тезкор ва уз вақтида таъминлашни янада юқори савияга қучиришни такозо этмоқда.

***Умумий урта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантиришнинг асосий концептуал ҳоғларидан қелиб чиқадиган максад ва вазифалари:***

– республика мактабларида таълим ва тарбия сифати ҳамда самарадорлигини янада ошириш;

– яғона ахборот муҳитини яратишга қумаклашиш;

– китобхонлик суровномалари ва эҳтиёжларини максимал даражада тулик қондириш;

– суровномаларга ҳамда кутубхона имқониятларига мос хизмат курсатиш турларини вужудга қелтириш;

– китобхонларнинг турли гуруҳларига хизмат курсатишда фарқли ёндашувни жорий этиш;

– кутубхона замирида медиатека унсурлари мавжуд бўлган анъанавий кутубхона сифатида фаолият курсатувчи умумий урта таълим муассасаси кутубхона-ахборот марқазини тузиш

– кутубхона-ахборот марқазини умумий урта таълим муассасаси тарқибий бўлинмаси сифатидаги мақомини халқ таълими бошқаруви органлари меъёрий ҳужжатларида қайд эттирган ҳолда қарор топтириш;

– умумий урта таълим муассасаси кутубхонасини туман, шаҳар ҳудудий тармоқларига қиритиш;

– малақа оширишни, қасб маҳоратини эғаллашни, иждодий ташаббусқорликни ривожлантиришни рағбатлантириш.

### ***Тестлар:***

1. Китобнинг мазмуни хақидаги энг қисқа умумий маълумот нашрнинг қайси қисмида берилади?

- а) киришда
- б) суз бошида
- в) аннотацияда
- г) хулосада

2. Кутубхона жамгармасига жавобгар ким ҳисобланади?

- а) мактаб директори
- б) илмий булим мудирлари
- в) мактаб уқитувчилар
- г) кутубхона мудираси

3. Кутубхонада йиллик ҳисобот қачон тайёрланади?

- а) ҳар ойда
- б) ҳар чоракда
- в) йил охирида
- г) йил бошида

### ***Фойдаланилган адабиётлар.***

1. Исломов Э., Йулдошев Э. Мактаб кутубхонаси ишини ташкил этиш. Т., «Уқитувчи», 1992.
2. Косимова О. Г., Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашунослик. Т., «Уқитувчи», 1994.
3. Умумий урта таълим муассасаси кутубхонасини ривожлантириш концепцияси. «Таълим таракқиёти», 2003, 5-сон.